

“10” январь 2022 йил

Бандихон тумани.

“Хумо газ ойл” МЧЖ, бундан буён “Таъминотчи” деб аталувчи раҳбари **А.Эргашев** Низом асосида бир томондан ва **Бандихон туман Мактабгача таълим бўлими**, бундан буён “Истеъмолчи” деб аталувчи раҳбари **Ш.Маматқулов**, Низом асосида иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида шартнома тузадилар:

1. Шартнома предмети

1.1 “Иш бажарувчи” “Истеъмолчи” томонидан буюртма қилинган даврий нашрларни 2022 йил учун ЁММ ларини манзилига ўз вақтида етказиб бериш ишларини бажариб беради. “Истеъмолчи” эса иш ҳажми бўйича бажарилган иш (хизматлар) ларни қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида тўловларни амалга оширади.

№	Газета номи	Улчов бирлиги	Микдори	нархи	ҚҚС ставкаси	Жами сумма
1	ЁММ (Ёқилги мойлаш материалларпи)	литр	470	9500		4465000
2						
3						
4						
	Жами					4465000

2. Бажариладиган иш ҳажмининг нархи ва умумий қиймати

- 2.1. Бажариладиган иш ҳажмининг умумий қиймати республикамиз миллий валютаси сўмда белгиланади.
2.2. Шартнома умумий суммаси 4465000 (тўрт миллион тўрт юзи олти беш минг) сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

- 3.1. “Истеъмолчи” шартнома умумий суммасининг 100 фоизи микдорда 10 банк кунида “Иш бажарувчи”нинг махсус ҳисоб рақамига (сўмда) олдиндан тўловни амалга оширади.
3.2. “Истеъмолчи” томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда “Иш бажарувчи” шартномада кўрсатилган иш ҳажмини бажармасликка ҳақли бўлади.
3.3. “Истеъмолчи” тўловларни буюртма қилинган нашрларга асосан шартномадаги умумий суммадан чиқмаган ҳолда амалга оширилади.

4. Ишнинг бажарилиш тартиби

- 4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чиқмаган ҳолда “Иш бажарувчи” шартномада кўрсатилган ишларни тўлик бажариши шарт.
4.2. Бажариладиган иш ҳажми шартноманинг умумий суммасидан ошса “Истеъмолчи” томонидан бекор қилиниши ёки бюджет маблағлари доирасида ўзгартириш киритиши мумкин.
4.3. Шартномада кўрсатилган иш ҳажмини “Иш бажарувчи” “Обуначи”га топширгандан сўнг иш тўлик бажарилган ҳисобланади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

- 5.1. “Иш бажарувчи” мажбуриятлари:
- Олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг, шартномада кўрсатилган иш ҳажмини бажаришни бошлайди. Шу кундан бошлаб бир кун давомида белгиланган манзилга етказдириб беришни кафолатлайди.
 - Иш жараёнида “Истеъмолчи” аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиб боради.
- 5.2. “Истеъмолчи” мажбуриятлари:
- Бажарилган иш ҳажмини қабул қилиб олгунча “Иш бажарувчи” иштирокида бажарилган ишни обдон кўздан кечириши ва унинг сифатига, яроқлилигига эътибор беради;
 - Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, “Истеъмолчи” қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тўлик, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга ҳақли бўлади.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

- 6.1. Томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32-бандлари бўйича жавобгар бўладилар.
6.2. Шартномада кўрсатилган иш ҳажмини ўз вақтида бажарилишини кечиктирилганлиги учун “Иш бажарувчи” кечиктирилган хар бир кун учун 0,2 фоиз микдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 30 фоиздан ошмаган микдорда пеня тўлайди.
6.3. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.
6.4. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

- 7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2.Томонлар ўртасида шартномани тузишда, бажарилишида, ўзгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар оғоҳлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда муросага келинмаганда вилоят Хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

8.Қўшимчалар

8.1.Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучга эга бўлади. ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.2.Шартномада кўрсатилган маблагдан ортикча бажарилган иш хажмининг маблагини “Истеъмолчи” тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

9.Форс-мажор

9.1.Агар шартнома тузилгандан сўнг икки томон ўз мажбуриятларини гайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати

10.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга қиради ва “31” декабрь 2022 йилгача амалда бўлади.

10.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, икки томон учун ҳам тенг кучга эга бўлиб, банк ҳисоб-китоблариши амалга оширишга асос бўлади.

11. Томонларнинг юридик манзили

«Иш бажарувчи»

Ижрочи“Хумо газ ойл” МЧЖ

Манзил: Бандихон туман, “Чинор” маҳалласи.


Телефон:

Ҳ/р: 20208000900641816001

Банк: Жарқургон ККБ

МФО: 00933, ИНН: 303786855, ОКОНХ: 0

Директор:



А.Эргашев

«Обуначи»

НОМИ: Бандихон туман Мактабгача таълим бўлими

Телефон: 3741567

Манзил: Бандихон туман “Бектепа” маҳалласи

ШХР: 10022860222037091100251004

ИНН 207314319 ОКОНХ 84112 БК: 00014

Ўзб.Респ.Молия вазирлиги Ғазначилиги

ИНН: 201122919

Тошкент шаҳар Марказий банки ҲККМ

Ҳ/р: 23402000300100001010

Раҳбар:

Ш.Маматкулов

(имзо)

(ф.и.о)

Юрист визаси:

Мен

(корхона, ташкилот, муассаса номи

шартнома лойиҳаси амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини аниқладим:

« _____ » _____ 2022 йил / _____ / _____

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Xo'jalik shartnomasi. №-02-sonli.

2. Loyihaning nomi: Bandixon tuman Maktabgacha ta'limi bo'limi bilan "Xumo Gaz Oil" MChJ o'rtasidagi Yoqilg'i moylash materiallarini yetkazib berish shartnomasi.

Shartnomaning umumiy summasi 4 465 000 (to'rt million to'rt yuzi oltmish besh ming) so'mni tashkil qiladi.

Bandixon tuman Maktabgacha ta'limi bo'limi bilan "Xumo Gaz Oil" MChJ o'rtasidagi Yoqilg'i moylash materiallarini yetkazib berish bo'yicha xizmat ko'rsatish predmetidan iborat shartnoma shakli, mazmun mohiyati va yuridik texnika talablariga rioya etilishi jixatidan, O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi 670-1-sonli "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuniga asosan, shartnoma predmeti, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda qonunning 25-32 bandlari bo'yicha taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutilgan.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:


Bandixon tuman Maktabgacha ta'limi bo'limi mudiri Mamatqulov Shuxrat Soatmurodovich tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022 yil 1 fevralda kiritilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, mazkur shartnomasining loyihasini huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijasiga ko'ra yakuniy

X U L O S A

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi 670-1-sonli "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuniga asosan ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Surxondaryo viloyat adliya boshqarmasi
huzuridagi Bandixon tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



E.X.Jumanazarov

2022 yil 03 fevral.